Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 14 март • шанба

№ 53 (10.302). Баҳоси 1 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН—ХИТОЙ:

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИК

12 март куни Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги билан РИТА—ТАСС махсус мухбирлари Пекиндан хабар бердилар:

Ёнига «Ўзбекистон» деб ёзилган қордек оппоқ ҳаво кемаси бугун Пекиннинг «Шоуду» аэропортига келиб қўнди. Бу самолётда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой пойтахтига келди.

— Делегациямизнинг уч кунлик сафаридан мақсад— икки давлатнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигида янги саҳифа очишдир,— деди аэропортда мухбирларимизга Ўзбекистон Президенти.— Биз Хитойдан кўп жиҳатдан ибрат олсак арзийди. ХХР-да бўлган вақтимизда элчихоналар очиш тўғрисида келишиб оламиз, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги меморандумни, шунингдек транспорт, коммуникациялар, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар масалалари юзасидан бир қанча ҳужжатларни ҳам имзолаймиз.

Ўзбек халқининг, деди сўнгра Ислом Каримов, Хитой халқига самимий дўстлик туйғулари ва иззат-ҳурмати баланддир. Эҳтимол биз Хитойга ташриф буюриш ва бу ерда элчихона очиш борасида бироз кечиккандирмиз. Айни вақтда Хитой Ўзбекистонни биринчилар қаторида мустақил давлат сифатида тан олгани ҳамда у биз билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёрлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйишга шайлигини изҳор этгани учун ХХР раҳбариятидан миннатдормиз.

Хитой — буюк давлат. Хитой халқи қадимий маданият ва тарихга эга. Бизни ХХР билан жуда кўп жиҳатлар боғлаб туради. Шарқ билан ғарбни боғлаган қадимги «Ипак йўли» ана шундай мисоллардан биридир. Биз ана шу қадимий йўлнинг яна гавжум бўлиб, янгича мазмун касб этишини истаймиз.

Ўзбекистон Президенти ва унинг ҳамроҳлари аэропортдан фахрий меҳмонларнинг Дяоюйтай деб аталган қароргоҳига йўл олишди. Бугун кечқурун халқ мажлислари уйида Ўзбекистон давлати бошлиғининг ХХР раиси Ян Шанкунь билан тантанали учрашув маросими бўлади.

• *Бугун—умумхалқ ҳайрия ҳашари* •

ХАЙРЛИ ИШГА ҲИССА ҚЎШИНГ!

Наврўз

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАР ДИҚҚАТИГА!

Маълумки, 21 март куни республикамизда халқимизнинг миллий байрами — Наврўз айёми кенг нишонланади. Айни кунларда ҳамма жойда уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ана шу катта байрам муносабати билан вилоят ҳокимининг фармойишига кўра Тошкент вилоятида ҳам бугун умумхалқ ҳашари ўтказилади. Бу умумхалқ ҳашаридан тушадиган маблағ эса ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ночор оилалар, кўп болали ҳамда камқонли ҳомиладор оналар ва бошқа ночор фуқароларга моддий ёрдам сифатида сарфланади.

Ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда бу тоифа фуқароларни ижтимоий ҳимоя этишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган, савобли иш қилишни муқаддас деб билган барча жамоалар, корхона, ташкилот, хўжаликлар ҳамда фуқароларнинг бу хайрли ишда фаол иштирок этишларига шак-шубҳа йўқ. Зеро, бу ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

«Наврўз» жамғармасига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлганлар маблағни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин:

Тошкент шаҳар Саноат-қурилиш банкининг Шайхонтоҳур бўлими, ҳисоб рақами 000709901.

КЕЛИНГ, АЗИЗЛАР, УМУМХАЛҚ ҲАШАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ БУ ХАЙРЛИ, САВОБ ИШГА ЎЗИМИЗНИНГ МУНОСИБ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК!

ШРЕДЕР номли илмий-тадқиқот институтида ҳар йили кўплаб миқдорда мевали дарахт кўчатлари тайёрланиб аҳолига етказиб берилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу йилги баҳор мавсумида 50 минг донадан зиёд турли хил кўчат жўнатиш мўлжалланмоқда. Суратда: (чапдан) ишчи Мукаррам Турғунова, Соип Мирзаев, агроном Юсуп Нуржонов, бригадир Жўра Холматовлар кўчатларни саралашяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

КЕЧА «Наврўз» байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Тошкент вилоят ҳокимининг фармойиши билан тузилган ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий диққат-эътибор байрам муносабати билан ташкил этилган умумхалқ ҳашари ва «Меҳр-шафқат» вилоят марафонини ўтказишга тайёргарликнинг боришига қаратилди. Бу меҳр-мурувват тадбирларида иштирок этиш истагида бўлганлар «Меҳр-шафқат» марафонида тушган маблағни Тошкент шаҳридаги Саноат қурилиш банкининг Шайҳонтоҳур бўлимига, ҳисоб рақами 000142513, код 172723336 ҳисобига ўтказишлари мумкинлиги маълум қилинди.

Байрамнинг қандай ўтиши кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш тармоқларининг ишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам йиғилишда иштирок этган матлубот жамияти, умумий овқатланиш ва савдо тармоқларининг раҳбарлари амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида ахборот бердилар. Бу умумхалқ байрами кунида ногиронлар, Улуғ Ватан урушн иштирокчилари, кўп болали оилалар, умуман барча ёрдамга муҳтож фуқароларга совғасаломлар улашилади. Шунингдек, «Наврўз» кунлари ҳамма жойда ярмаркалар уюштирилади. Қандолат ва бошқа ширин-шакар маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

«Наврўз» ҳар бир районда ўзига хос байрам қилинади. У районлараро мусобақага айланади. Ғолибларни мукофотлар кутмоқда. Унга якун ясашда маданий дастурларнинг қандай ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда бир қатор шаҳар ва район ҳокимларининг байрамни ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисидаги ахборотлари тинглади.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, «Наврўз»ни ўтказиш ташкилий қўмита раисининг ўринбосари Ҳ. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Покистон—Ўзбекистон ҳаво йўли очилди

12 март куни «Покистон интернейшнл аэралариз» авиакомпаниясига қарашли Боинг-37 самолёти Тошкент тайёрагоҳига қўнди. Унда 129 нафар покистонлик меҳмон келди.

— Ушбу рейсдан асосий мақсад,— деди Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси бош директори ўринбосари А. Тарсуков,— республикамиз билан танишувдир. Покистонлик меҳмонлар тўрт кун давомида Ўзбекистон пойтахти ҳамда Самарқанд, Бухоронн томоша қиладилар.

Покистон авиакомпаниясининг бош инженери Холид Бат жаноблари Ўзбекистон диёрига келганидан ғоят мамнунлигини изҳор этди. (ЎзА).

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Душанба, 16. III

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сахий эртак». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Болалигим — гулбаҳор».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Билиб қўйган яхши».
19.35 «Ўзбекистон» киножурнали.
19.55 Ўзбек куйларидан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Учрашув». Шоира Ҳалима Худойбердиева.
22.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Олтин тоғ сири». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Кўҳна оромгоҳлар». Кинопрограмма.
11.30 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
18.50 «Ассалому алайкум» (такрор.).
19.50 «Фарғонанинг мовий ҳалқаси». Телефильм.
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар».
21.10 Кичик концерт.
21.30 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм.
23.00 «Лаҳза». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.00 «Тонг».
8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 Мультфильмлар: «Қувноқ болалик мамлакатида», «Сирли қулф».
9.25 Вячеслав Зайцевнинг мадалар театри.
10.25 «Дарё бўйлаб 100 чақирим». Телевизион бадиий фильм премьераси («Латвияс кино», «АЛКО» студияси).
11.30 «Астрахань қирғоқлари». Илмий-оммабоп фильм премьераси («Экран»).

*

12.00 Янгиликлар.
12.20 Кўрсатувлар тартиби.

* * *

14.15 «Телемикст».

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Бу бўлган, бўлганди...».
15.45 «Қўрқма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
16.55 Зуфар Хайрутдинов куйлайди.
17.10 «Қулоқсизлар байрами». Мультфильм.

*

18.00 Янгиликлар.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 Футбол шарҳи.
18.55 «Хасис бой». Мультфильм.
19.00 «НЭП».
19.40 «Дарё бўйлаб 100 чақирим». Телевизион бадиий фильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

21.00 Янгиликлар.
21.20 Кўрсатувлар тартиби.
21.25 «Янги студия» таништиради: «Вазият», «Қийшиқ эфир».
22.10 Муаллифлар ойнаи жаҳони: «Бироқ», «Москва акс садоси», «АТВ-брокер».
22.45 «Янги студия» таништиради: «Хабарномалар», «Микс», «АТВ лотореяси», «Джем-Сейшн».
00.15 «Иссиқ ўлкалардан салом». Мусиқий кўрсатув.
01.15 «Тақдир чизиғи». Ҳужжатли фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
9.20 Итальян тили.
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
10.05 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар.
10.55 «200-юкли рейс». В. Цветов шарҳи.
11.35 «Бурда моден» таклиф этади...
12.05 Криминал канал. «Мутлақо махфий».
13.00 «Любэ» гуруҳи.
13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Ишлар қандай, агроислоҳот?».

* * *

15.55 Болалар соати (немис тили дарси билан).
16.55 Танаффус.
17.10 «Мураккаб ёш» студияси. «Арт-зона».
17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
18.35 «Пингвинча». Мультфильм.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Бизнес ва сиёсат». Жамиятнинг бой бўлишига нима ҳалақит бераётганлиги ҳақида.
20.20 «Ҳар бир кун байрам».
20.30 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш» (Л. Пандуронинг «Даниялик Ферн» қиссаси асосида). 1-қисм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.20 «Россия билан юзма-юз».
23.35 «Бешинчи ғилдирак» (давоми).
00.20 Спорт хабарлари.
00.30 Бадиий гимнастика. Дерюгина кубоги учун халқаро турнир.

Сешанба, 17. III

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.25 «Дарахт ва унинг навдалари». Телефильм.
8.55 Такрорий фильмлар экрани. «Тақдир инъоми». Бадиий фильм.
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
10.40 «Матонат».
11.40 Эстрада концерти.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Жонсарак». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» оқшоми».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сиҳат-саломатлик».
19.55 Баҳор ва Наврўз тароналари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Спортлото».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.15 «Тадбиркорлар».
22.05 «Кино осмонида чақнаган юлдузлар». Кинокўрсатув.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильм. «Тўс-тўполон».
18.55 «Светлана Норбоева ҳузурида».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.30 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.00 «Тонг».
8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 Мультфильмлар.
9.05 «Масхарабозлик гуноҳи». Бадиий фильм.
11.30 Футбол шарҳи.

*

12.00 Янгиликлар.
12.20 Ритмик гимнастика.
12.50 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатув.
13.20 «Менга қолса фермер бўлардим». Телефильм премьераси (Владикавказ).
13.40 Концерт.
14.15 «Қора лайлак». Мультфильм.
14.25 «Ён дафтар».
14.30 «Савдо растаси».
14.45 «Бу сизга керакми!».

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 Кўрсатувлар тартиби.
15.25 Узоқ умр кўриш учун. Чиниқиш.
15.40 «Кубанча тўй».
16.15 «Қўрқма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
17.35 «Вера ва Анфиса ҳақида». Мультфильм.
17.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бенг-бенг» (Ирландия).

*

18.00 Янгиликлар.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 «Қуёнинг ҳаммоми». Мультфильм.
18.35 «Ҳамма цирки севади».
19.20 Телефильм.
19.45 «Хонаки куй». Телевизион бадиий фильм. «Деррик» туркумидан (Германия).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

21.00 Янгиликлар.
21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида — Катталар учун мультфильм.
23.00 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатув.
23.30 «Тунги альбом». П. Васильев шеърияти.
24.00 «50х50». Телетомоша.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан».
9.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
9.35 Болалар соати (немис тили дарси билан).
10.35 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.20 «Сиз учун Михаил Новохижин куйлайди». Рус композиторларининг романслари.
12.45 Кундузги сеанс. «Нептун байрами». Бадиий фильм.
13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала.

* * *

16.15 «Простор +». Телебиржа.
16.45 «Ҳаёт кузи».
17.00 «Терминал».
17.30 ТрансРосэфир: «Катанга — Шимол экзотикаси».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
18.35 «Салют, Америка!». Лотин Америкаси мусиқалари халқаро фестивали (Самара шаҳри).
19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Паррандалар биз билан ёнма-ён».
19.20 «Россия ва дунё». Ахборот-аналитик кўрсатуви.
19.50 «Петербург афсонаси».
20.20 «Ҳар бир кун байрам».
20.30 Кечки салон. «Чўқинтирган ота». Ичкаридан қараганда». Ҳужжатли фильм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.20 Эълонлар.
22.30 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш». 2-қисм.
23.30 Вариацияли мавзу. «Дирижёрга бағишланади» (Кирилл Кондрашин хотирасига).
00.30 Бадиий гимнастика. Дерюгина кубоги учун халқаро турнир.

Чоршанба, 18. III

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.25 «Қўнғироқча». Бухоро қўғирчоқ театрининг спектакли.
8.55 Такрорий фильмлар экрани. «Барча постлар диққатинга». Бадиий фильм.
10.15 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.55 «Аньана ва замон».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уй бекаси ва ажинаси». Мультфильм.
18.15 «Яхшидан боғ қоладн».
18.45 «Тадбиркорлар ҳузурида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари ҳузурида». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Санъат оламн». Мусаввир Темур Саъдуллаев.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
21.40 «Гулнорнинг гулдасталари». Мусиқий видеофильм.
22.25 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Қадрдон юртдошлар», «Бутун умр мобайнида». Телефильмлар.
11.30 «Абу Али ибн Сино». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Кинокўзгуда—ҳаёт».
20.20 «Спринт».
20.40 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм.
22.10 «Ялла» жамоаси концерти.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.00 «Тонг».
8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 Мультфильмлар.
9.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «ЭСД». Бадиий фильм (Польша).
10.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар.

*

12.00 Янгиликлар.
12.20 «Пи» белгиси билан.
12.50 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
13.05 Қозон шаҳри ҳақида телефильм премьераси.
13.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
14.10 «Ён дафтар».
14.15 «Телемикст».

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Қўшиқ шинавандасига тортиқ».
15.55 «Авлод-аждодлар водийси». Телевизион бадиий фильм.
17.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Болалар учун тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия (ЧСФР, Германия, Япония).

*

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Парнас сари бир босқич».
18.40 «Максима».
19.10 «ЭСД». Бадиий фильм.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

21.00 Янгиликлар.
21.20 Кўрсатувлар тартиби.
21.25 «Саҳнанинг орқа томонида». Борис Андреев.
22.25 «Порла, порла менинг юлдузим». Телефильм премьераси.
23.15 «Ҳаёт ва ўлимнинг мангу дуэти».
23.45 Кикбоксинг. Суперпрофессионалларнинг америкача жанги.
00.45 Сизни Л. Семеняка таклиф этади.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
9.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
9.35 «03» кўрсатуви.
10.05 Сиёсий бўлим.
10.45 «Чумчуқча». Мультфильм.
10.55 Марнин театрининг якка-хони Р. Гербек туғилган кунинг 85 йиллигига бағишланган концерт.
11.25 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш».
13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала.

* * *

15.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
16.55 «Жаҳон бозорининг калити».
17.25 «Севги изҳори».
17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «ТрансРосэфир: «Узоқ Шарқ» телекўрсатуви.
19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
19.20 Криминал хабарлар.
19.35 Вариацияли мавзу. «Осиё овози». Олмаота шаҳрида замонавий қўшиқлар халқаро танлови.
20.00 «Эконом».
20.15 «Ҳар бир кун байрам».
20.25 Сиёсий бўлим. «Бундай партия йўқ». Кўрсатувда Ю. Манаенков, К. Лубенченко, Ю. Бурдин иштирок этадилар.
21.20 Парламент хабарномаси.
21.35 Россиянинг телевизион театри. М. Митуа. «Аккомпаниатор».
22.00 Хабарлар.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Учрашув жойи — Зазеркалье». Дам олиш кўрсатуви.
23.25 Маша Распутина ҳақида кўрсатув.
00.10 «Голишевга миллионлар нега керак?».
00.40 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Барселона» (Испания) — «Динамо» (Киев). Барселонадан олиб кўрсатилади.

Пайшанба, 19. III

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.25 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
8.55 Такрорий фильмлар экрани. «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 1-серия.
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.40 Болалар учун. «Дадам ҳамиша илдам».
11.25 «Замандас» (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мамонтчанинг онаси», «Бувимнинг туғилган куни». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Алифбо сабоқлари».
19.55 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Мумтоз куйлардан концерт.
21.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қари билганни пари билмас».
22.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Ботаника. Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши.
11.00 «Ер қаъри». Телефильм.
11.30 Ўзбек адабиёти. Абдулла Қаҳҳор.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Чимён». Манзарали фильм.
18.45 «Бу оқшомда» кўрсатуви.

(Давоми 7-бетда).

ВАЗИРЛИК МАДАДИДАН РУҲЛАНИШДИ

Кейинги икки йил ичида Тошкент вилояти саломатлик муассасаларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиладиган бўлиб қолди. Ўтган куни жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бевосита ташаббуси билан уюштирилган худди шундай хайрли тадбирнинг гувоҳи бўлдик. Эрталабданоқ Янгийўл бирлашган болалар шифохонасининг озода, саранжом-саришта ҳовлиси шу даволаш муассасасининг ходимлари, шаҳар ҳокимлиги вакиллари, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари билан гавжум бўлди. Орадан кўп ўтмай бу катта даврага республика Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Жумҳурият халқ ноиби Баҳодиржон Йўлдошев, Жумҳурият саломатлик маркази Бош шифокорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Акром Азизов, Ўзбекистон «Тиб таъминот» Бошқармасининг бошлиғи Собиржон Мўминов, вилоят «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Юсупжон Иқромовлар ҳам қўшилишди.

Биз етиб боргунга қадар катта юк машинаси касалхонага жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ёрдам тариқасида кўрсатилган маҳсулотларнинг маълум қисмини шифохонага ташиб бўлган эди. Навбатдаги машина ҳам кетма-кет етиб келди.

— Дори-дармонларни тушириб олишсин,— кейин ихчамгина йиғилишимизни ўтказамиз,— деди бизга шаҳар ҳокими Шуҳрат Каримов,— вазирлик кўрсатган ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз. Катта ҳажмли музлатгичлар, тиббиёт аппаратлари, турли жиҳозлар ҳозирги тақчиллик даврида шаҳримизнинг бу шифохонаси учун чинакам катта мадад бўлди. Бу тадбирнинг яна бир қувончли томони шуки, Янгийўлдаги бир қатор корхоналар, ташкилотлар ҳам болалар шифохонасини қўллаб-қувватлашга киришдилар.

Ҳоким баъзи корхоналарни санаб ўтди. Биохимия заводи, Янгийўл қурилиш монтаж бошқармаси, китоб фабрикаси (собиқ босмахона), вино заводи шулар жумласиндандир. Ана шу корхоналарнинг ҳар бири шифохонага 50 минг сўмдан пул ўтказиш билан кўмаклашдилар.

— Барака топишсин, заводлар, фабрикалар маъмуриятлари болалар хизматига ҳамиша тайёрмиз,— дея иммкониятларидан келиб чиқиб, бизга кўмаклашмоқдалар,— дейди шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлими мудири Жамшид Йўлдошев,— мебель фабрикаси касалхонани кроватлар билан таъминлайдиган бўлди.

Ёрдамга келтирилган юклар тушириб бўлингач, улар билан танишдик. Покистондан ҳайрия тарзида инъом этилган камёб дорилар, Тошкент «Медиз» заводида тайёрланган 15 минг дона бир марта қўлланиладиган дорининалар, Украинадан келтирилган музлатгичлар ва бошқа тиббий жиҳозлар бор.

Шаҳар ҳокими айтганидек, ихчамгина, баландпарвозликлардан ҳоли оддий йиғилиш бўлиб ўтди. Янгийўллик шифокорлар ёрдам ва эътибор учун республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан хурсанд бўлдилар. Улар ана шу ёрдамни янада сидқидил хизматлари билан оқлашларини изҳор этдилар.

Фурсатдан фойдаланиб болалар шифохонаси бош шифокори Ф. В. Муҳаммадиева билан беморлар хоналарини айландик. Озода, ёруғ, саранжом-саришта улар. Шифохона 155 ўринга мўлжалланган. Биз бўлган кунимизда у ерда 135 нафар бола даволанаётган экан. Қолган ўринларда эса болалар билан бирга 20 нафар онага ҳам шифо бахш этилмоқда. Оналик ва болаликни баббаравар муҳофаза этиш касалхона ходимларининг бош мақсади.

Болалар касалхонасида чақалоқлар учун махсус бўлим ҳам очилган. Туғуруқхонада беморлиги аниқланган «янги меҳмон»лар ана шу бўлимга ўтказилиб даволанадилар. Шифохонанинг учинчи қаватида жойлашган бу бўлимни айланиб юрган эдик:

— Яқинда бир йўла уч фарзандлик бўлган Инобатхонни табриклаб ўтинглар, — деб қолди Флюра Васильевна.

Биз хонага кирдик. Янгийўл районидаги 17-ўрта мактаб илмий бўлим мудираси Инобатхон Қосимова фарзандлари — Фотима, Зуҳра, Ҳасанлар устида парвона экан. Унга онаси Ҳосият ая ҳамда ҳамшира Эльвира ҳам кўмакдош. Инобатни табрикладик. У ҳурсанд. Умр йўлдоши — сартарош Абдулла эса ундан ҳам кўпроқ қувончда. Эгизаклар муносабати билан яна уч хоналик уй оладиган бўлибди. Чақалоқлар дуркун ўсишяпти.

Мадад кўрсатилган шифохонадан қайтар эканмиз, Флюра Васильевна:

— Вазирликдан миннатдорлигимни алоҳида кўрсатинг, кейин Тўхтасин Раззоқов, Виктория Мазанко, Санобар Ортиқалиевадек болажон шифокорларимиз номларини рўзномангизда алоҳида таъкидлашни унутманг, дея илтимос қилди.

Биз Янгийўл шаҳридаги 20 минг 439 нафар бола саломатлигини ўз назоратига олган бу касалхона ходимлари раҳбарининг илтимосини бажо келтирдик.

С. ҲАСАНОВ.



Суратларда: Янгийўл шаҳридаги бирлашган болалар шифохонаси фаолиятидан лавҳалар.

Сураткаш: В. ХАРИТОНОВ.

Қадриятлар

ДОНО ХАЛҚИМИЗ қадриятлари орасида янги авлоднинг она қорнида пайдо бўлиши, дунёга келиши ва камолатга эришуви билан боғлиқлари ҳам бағоят ибратлидир. Бу ҳақда қанчадан-қанча ақидалар, ҳикоятлар, афсоналар, ривоятлар, ҳикматлар яратилган, ҳаётий воқеалар ёзиб қўлдирилган. Хозир ҳам давом этаётганлари беҳисоб. Улар асосида халқимизнинг умумтаълим-тарбияси, донишмандлиги, ахлоқ-одоби жамулжам бўлган педагогик қарашлари — маънавий, ахлоқий ҳамда руҳий тарбияси анъаналари ётади.

Даставвал, халқ қадриятлари фарзандни она қорнида қомила белгиси нишона бера бошлагандаёқ асраб-авайлаш, сақлаш ва уни меъёрида ривожлантиришга алоҳида эътибор беришдан бошланади. Яна ҳам аниқроғи, кўёв-келининг бирлашиб, қовушишидан бошланиб мунтазам давом этади...

Биз келин-қўёв одоби, қадриятлари ҳақида фикр юритишни кейинги чиқишларимизга қолдирид, ҲОМИЛА ва БОЛАнинг илк даври тарбияси, маънавий ва жисмоний камолати билан боғлиқ, бизнинг замонамизга келиб унутилган ёҳуд унутила бошлаган қадриятларимиз хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Халқимизнинг фарзанд билан боғлиқ қадриятларини унинг «ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа» деган пурмаъно мақолидан ҳам англаб олиш қийин эмас. Дарҳақиқат, кўп болали аёл ҳамда эркак энг ҳурматли, энг эҳтиёжли ота-оналар саналиб, уларнинг хонадонлари ҳам файзли, кўркам, нуфузли, намунали ҳисобланган. Бундай хонадоннинг аёли кўнг-қўшни, ҳатто аёлларга маслаҳатчўй, ёўл-ёўриқ кўрсатувчи қайвони ҳисобланса, эркаги кўпчиликка отасаналиб, эл-юрт орасида жуда ҳам катта обрў-эътибор қозонган. (Воҳжаб, ана шундай бағоят халқчил, ибратли одатга болта уриб, оилани, бола туғиш ва тўғдиришни режалаштирмоқчи бўлдик). Халқимизда фарзандга меҳр-муҳаббат, уни қадрлаш онада нишона кўрина бошланганда, айниқса, кучаяди ва мунтазамлилик тус олади. Чунончи, ҳомила пайдо бўлгач, муайян муддатдан бошлаб эркакни унга яқинлаштирмаслиқ, қўпол муомала ва сўзга йўл қўймаслик, аёлга оғир иш қилдирмаслик, юк кўтартирмаслик шартларини эслайлик. Муомала ҳам ўзгартирилади. Хушмуомалалик, ширинсуханлик, меҳрибонлик, саховатлилик ишга солинади. Ёстиғи остига нон, пичоқ, пиёз, туз ва бошқа нарсалар қўйиш, ўзини ёлғиз қолдирмаслик, тунда ховли ёки кўчага ёлғиз чиқармаслик, доимо ёнида одам бўлишлик, ёнган чироғини ўчирмаслик, ўчирилган ёнмаслик, ҳоҳ қиз бўлсин, барибир унга атаб кийим-кечаклар тикиш, исмлар танлаш, онанинг емак-ичмакларини яхшилаш, ширин орзулар, яхши ниятлар айтиб, ҳатти-ҳаракат қилиб кўнглини кўтариш, совга-саломлар келтириб туриш, эркаларашлар, юпатишлар, каби ўнлаб одатлар она ва бола қадриятлари билан боғлиқдир. Вақти-вақти билан исириқлар солиш, дуо битилган туморлар осиш, муқаддас қадамжолар, азиз авлиёлар мақбаралари, мозорларига зиёратларга олиб бориш, ҳайвонлар ёнига ҳайвонлар кўпиш, туғилажак фарзанд учун қўй, эчки, мол, от боғлаш, кўчатлар экиш, ер ажратиш, уй солиш, атамалар аташ, назирлар бериш, хайр-эҳсонлар қилиш, каби кўпдан-кўп удумлар, одатлар, анъаналар ҳам она-бола қадриятларига бориб тақалади. Юқорида санаб ўтилган удумларнинг ҳар бирида ўзига хос ибрат бор. Айни чоғда эркалама қўшиқлар, образли, чиройли, таъсирли сўзлардан ташкил топган термалар, латифалар, ҳикоятлар қўлланилади. Хулласи калом, она-табиати, руҳий ҳолатига қараб ҳатти-ҳаракатлар қилинган, таъсирчан сўзлар айтилган. Афсуслар бўлсин-ки, она ва ҳомила билан боғлиқ кўплаб удумлар бизнинг даврда унутилди, назар-писанд қилинмай қолди. Улардан кўпчилиги диний, диндорлар ўйлаб топган, демак зарарли, деб қораланган бўлса, бошқалари ўзимизнинг лақмалигимиз туфайли унутила бошланди. Бунда юқоридан туриб берилган кўрсатмалар, ёлғон-яшиқдан иборат буйруқлар, «доҳий» ва «доҳийча»лар, коммунистик партиянинг «донолиги», совет тузумининг, социализмнинг пуч, сохта, қуруқ гаплардан иборат «оқилона» сиёсати катта роль ўйнади, албатта. Айтилгану, аммо бутунлай тескариси бўлиб, қоғозда қолиб кетган бир-икки қоидани келтирмасдан иложимиз йўқ. **«Аёллар органи учун зарарли бўлган соҳаларда аёллар меҳнати таъқиқлансин, аёлларнинг тунда ишлаш таъқиқлансин...» (В. И. Ленин, тўла асарлар тўплами,** 32-том, 178-бет). Яна бир кўчирма: **«...Совет ҳокимияти хотиннқизларни озод қилиш учун, уларни «кучли» жинс билан тенг ҳуқуқли қилиш учун икки йил ичида шу қадар кўп ишлар қилдики, бутун дунёдаги илғор, маданий, «демократик» республикаларнинг барчаси бирга 130 йил давомида шунча иш қилган эмас».** (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 39-том, 328-бет). Юқоридаги биринчи кўчирма бошдан-оёқ ёлғон, алдоврдан иборат бўлса, иккинчи кўчирма тўғрилиги, аммо аксинча бўлиши билан ажралиб туради. Дарвоқе, болаларнинг кўплаб она қорнидан ўлик туғилиши, ёҳуд нимжон ҳолда дунёга келиши, оналарнинг бола ташлаб қўйиши, аёлларимизнинг ҳусн-жамоли йўқолиб, ранги заъфарон, қадди-қомати букилганлиги ва бошқалар ана шу «ғамхўрлик»нинг оқибат натижаси бўлса керак. Шахсан мен 40—50 килограммлаб «оқ олтин»ни бошига қўйиб пахтазордан чиқаётган иккиқат оналарни, боласини орқасига боғлаб (қулдорлик мамлакатларида ҳам таъқиқланган одат!), энгашиб пахта тераётган аёлларни, янги чақалоғини жойда ҳар хил бўлиб, боланинг дунёга тезроқ келиши билан боғлиқ.

Фарзанд дунёга келгач суюнчилар олиш-бериш, ўт ёқиб элас-элас қилиш, пахтага солиш, кулга ётқизиш, қулоғига азон айтиш, пок сувига олиш, қора исси ёки қайроқ тош устида киндигини кесиш, маълум муддаттача уни ўптирмаслик, кейинроқ бориб исм қўйиш одатлари ҳам янги инсоннинг дунёга келиши, онанинг эса «оғир юкдан» омон қутилганини англатувчи қадриятларимиздан бўлиб, халқона доролик, одоб-ахлоқнинг кўринишларидандир.

Кишини ранжитадиган жойи шундаки, халқ табобати, халқона ахлоқ-одобга асосланган фарзанднинг дунёга келиши билан боғлиқ ана шу қадимий, ишончли тажрибалар ва синовлардан ўтган қадриятларга ҳам қарши чиқдик. Бир мисол. Қадим-қадимдан эризакнинг дунёга келиши катта тантана, айни чоғда жуда ноғик, қалтис ҳисобланган. Дарҳақиқат, бир-икки дақиқада икки ёҳуд учта тойлоқдай-тойлоқдай фарзандлар дунёга келишининг ўзи бўладими? Бу ҳалқ қадриятларида ўзгача ифодаланадида, нима қилиб бўлса ҳам ҳар иккала гўдакни сақлаб қолишга, онанинг оёқка туриб кетишига ҳаракат қилинади. Халқнинг айтишича, эризакларнинг биттаси ота-онадан бўлса, қолгани руҳдан яратилган эмиш. Эризак туққан она ҳам табарруклаштирилиб, жанжати ҳисобланади ва унга янада бошқачароқ қаралади, ҳатто баъзи бир хасталикларни даволовчи, тасодифларнинг олдини олувчи ҳисобланади.

Эризакни табарруклаштириш пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бориб тақалади. Биби Фотима онамиз Ҳасан билан Ҳусан кўрган бўлиб, улар иҳлоҳий куч-қудрат, ахлоқ-одобга эга эканлар. Уларни сўкиб ёқ уришиб бўлмасмиш, ҳатто сансираш гуноҳ эмиш. Кинначилар, йўйимчилар, қоқиримчиларнинг беморларни даволаётганларида «мининг қўлим эмас, Биби Фотиманинг қўлари» деб такрорлашлари, унинг номини табаррук билиб, алоҳида меҳр билан тилга олишлари ҳам шундан деб ҳисобланади. Биби Сешанба маросимини ҳам Биби Фотимага боғлайдилар. Биби Сешанба ёҳуд Сешанба она-аёллар сиғинадиган авлиё она бўлиб, чарх йигирувчи аёлларнинг пирлари ҳисобланадилар. Оналаримиз Биби Сешанба онага сиғиниб, сешанба кунлари унинг шарафига зиёфат берадилар ва мурувват, мадад тилайдилар, мушкулларини осон қилишни илтижо қиладилар. Бу қадрият ҳам оналарни, хусусан эгизак ато қилган аёлларни эъзозлаш, қадрлаш, ҳурмат-эҳтиромини ўрнига қўйишдан, эгизакларни асраб-авайлаб вояга етказишдан, бир сўз билан айтганда маънавий-руҳий қадриятлардан келиб чиққан анъаналаримиздир.

Гўдакнинг пок сувига олиниши ҳам бағоят ибратли қадриятларимиздандир. Дарвоқе, бола пок сувига олинмагунча, гарчи ундан жаннат иси келсада, ўпиш, қучиш мумкин эмас, қачонки, пок сувига олиб, ювиб-таралиб бўлингандан кейингина қўлга олинади.

Она-бола қадри, қадриятлари ҳақида гап борганда чилла, яъни чақалоқнинг илк қирқ кунлик даврида амал қилинадиган маросимларга тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бу чақалоқнинг онасига ҳам тааллуқлидир. Дарвоқе, чақалоқ бўлган оилада юқорида санаб ўтилганлардан ташқари яна бир қанча маросимлар ўтказилади. Қирқ кунгача кеч бўлди, чақалоқ билан онасининг олдига ҳеч кимни қўймаслик, онани ёлғиз ҳовлига чиқармаслик, уйида ёлғиз қолдирмаслик, чироқни қирқ кун ўчирмаслик, кўпни кўрган, кўпни биладиган момоларни ёнига қўшиб қўйиш, ёмон руҳлар зиён-зақмат етказмасларигинг олдини олиш, вақти келса фолбинлар, кинначи-ю дуохонлардан зарур бўлса, фолдалана билиш, уйдан исириқни узмаслик, чақалоқ олдига ювиқсиз киритмаслик, унинг кийим-бошини ёлғизлатмаслик, кўзмунчоқлар тақиш, отлиқларга эътибор қилиш, бешикка солиш, элас-элас, жойни қирқ кун йиғмаслик, унинг атрофига ўлтирмаслик, юз-кўл ювиш учун чиқканда ўрнига бирон-бир аёлни ўтказиб қўйиш, ҳеч ким билан кўришмаслик, юмушга уринмаслик, бешика белги, бошига пичоқ, пиёз, қалампир, кулча, туз, бир сиқим тупроқ тугиб қўйиш, исириқ, кўзмунчоқлар осиб қўйиш. Бўрн, от, кўчқор суякларидан майдалаб тутунчакка солиб, бешик дастасига боғлаш. Онанинг нон тишлаб туриши, сочқилар сочиш ва бошқа бағоят бебаҳо удумлар ҳар бирининг ўзи бир олам.

Кези келганда чақалоққа исм қўйиш қадриятлари ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Исм қўйиш билан ҳам ибратли удум ҳамда маросимларимиз бор. Чақалоққа исм қўйиш бамисоли байрамга айланган. Исмни ота-она, қоларверса, эл-юрт орасида эзтиборли, ҳурмати баланд, сўзининг нуфузи бор оқсоқоллар, кексалар танлашган. Мен ҳеч бир халқни болага исм қўйишдаги анъаналарини камситмаган ҳолда, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ўзбекларда исм қўйиш ҳам ахлоқ-одоб, таълим-тарбиянинг олий нуқталаридан бўлган, дейиш мумкин. Исм қўйиш — санъат саналадиган, бироқ, ҳар бир исмнинг ўз тарихи, ўз маъноси ва ўз эстетикаси бор. Шундай юмлар борки, маъносининг ўзи бир олам! Аммо исм қўйиш ва унинг давомийлигида халқ қа хос эҳтиёткорлик, назорат ва фаҳмфаросат ҳам борки, унга эътибор қилмаслик асло мумкин эмас. Чунончи, баъзи ота-оналар фарзандлари касал ликдан чиқмай қолса, унинг илк бор қўйилган исмини алмаштириб, бошқа ном қўядилар. Натижада қўшалоқ исм бўлиб қолади. Ёвуз, ярамас руҳларни чалғитиш, турли урф-одатлар, эътиқодлар билан боғлиқ исмлар ҳам учрайди. Умуман, ота-бободларимиз чиройли, яхши, серма эъно исм қўйишга ҳаракат қилганлар. Бундан ҳар қандай халқ, элат ибрат олса арзийди.

Шуни эътироф этиш керакки, бизнинг давримизда топталмаган, оёқ ости қилинмаган, камситилмаган бирон-бир қадрият қолмади. Қадриятлар деярли ёппасига «тафтиш» қилинди. Ўқ отилмаган, тафтишу таҳқир қилинмаган бирон бир қадрият қолганлигини кўрсатиб бериш қийин. Исм қўйишда ҳам худди шундай бўлди. Социализм маддоҳлари совет оилалари ўз фарзандлари исмини социалистик турмуш тарзига мос келадиган, «байналмилал» атамалар билан аташни бажону. дил қўлдаб, қўватладилар, вақти-вақти билан маслаҳатлар бердилар. Шундай исмлардан: Маркс, ВИЛ (Владимир Ильич Ленин), Казбек, МЭЛС (Маркс, Энгельс, Ленин, Сатин), Фрунзе, Пушкин, Клара, Инқилоб, Тельман, Октябрь...

Халқимизда боланинг ушиб-ўсиши, унда гуруч тиши чиқа бошлаши, биринчи қадам, биринчи сўз, биринчи кийиниш билан боғлиқ қадриятлар ҳам ранг-баранг, айни чоғда жуда ибратлиқи, уларнинг ҳар бири ҳақида катта-катта китоблар ёзиш мумкин.

Ҳомила яқинлаша бошлаганда маҳалла ёҳуд қишлоқнинг кайвони аёли — доя чақиралади. Экспедицияларда менга ўнлаб-йигирмалаб ўғил-қизлар ҳатто бутун-бутун қишлоқ аҳлига доячилик қилган табаррук доя-момолар билан узоқ вақтлар суҳбатлашишга тўғри келган. Ҳатто катта-кичик, оддий ёҳуд амалдор кишилар ўз доялари номини фахр билан тилга олишларининг гувоҳи бўлганман. Қўли енгил, эпчил доянинг гап-сўзи, муомаласи, ҳалқ муомаласини яхши ўзлаштирилгани, ҳомиланинг келиши вақт-соати ва қонун-қоидаларини яхши билиши, энг асосийси онанинг руҳий ҳолати, кайфияти ва ҳатти-ҳаракатларини пайқаб-илғаб олиши, туғилиш жараёнининг осон кўчишини таъминлаган. Ана шу энг нозик, энг масъулиятли пайтда доя вақт, шароит, онанинг саъй-ҳаракатларидан келиб чиқиб, уни руҳий тайёрлаш мақсадида қадимдан суяк суриб келган одатлардан фойдаланади. Қумғонда ёҳуд чойнакда чой қайнатиш, кетмон, қурак, болта, оташқурачи оловда қиздириш, темирни тақиллатиб, овоз чиқариш, қўй-қўзини тушовдан бўшатиш, отани кўчага «хайдаб юбориш», исириқ тутатиш, сандалга ўтказиш, қулфланган нарсаларнинг қулфларини очиб, сандиқ-жовонлар қопқоғини кўтариб қўйиш, қозиқда осилган нарсаларни пастга тушириш, болаларни овоз чиқартириб, у ёқдан-бу ёққа чоптириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу одатлар ҳамма

Малик МУРОД,
профессор.

ФАРЗАНД ДУНЁГА КЕЛАЁТГАНДА

дала шийпонида ишдан қоламан деб, шошиб-пишиб эмизаётганларни кўп кўрганман. Кунига минг-минг марта ерга эгилиб, туриб чопиқ чопаётган, гўза ягана қилаётган, пахта тераётган, гўзапоя суғираётган аёлларни кўп кўрганман. Улар орасида ҳомиладор аёллар ёҳуд янги бўшалган аёллар йўқ эди, дейсизми?! Бу ҳам майля-я, чидаса бўларди. Иккиқат аёлга қараб ҳам дўқ-пўписалар қилиш, ҳақоратлашлар, қўрқитишлар, ҳатто калтаклашлар-чи? Шудгор ичида, дала шийпонида, йўлда-чўлда қўрқувдан, оғир меҳнатдан, калтакдан, дўқ-пўписадан бола ташлаб қўйган ёҳуд ҳомиладор қолда ўзини ёқиб юборган, осган, ариқ-каналларга ташлаганлар оз бўлдими?! Ҳа, бизнинг аёлларимиз эзилда, хусусан ҳомиладор ёҳуд янги бўшалган оналаримиз ҳақ-ҳуқуқини камситишда, оёқ ости қилишда, шахсиятларини қадрсизлантиришда, қисқаси уларни қул, жонли роботларга айлантиришда бошқа мамлакатлардан ҳеч ўттиз йил эмас, минг йиллар илгарилаб кетдик, десак тўғрироқ бўларди. Ярим оч, ярим ялангоч қолларда эрталабдан то кечгача пахтазорда сақлаш, болаларидан ажратган ҳолда меҳнат қўйинда «жавлон» урдириш, қандайдир дорилар билан заҳарлаб, умрини бевақт хазон қилишда рекорд қўймадикми? Эҳ, уларни айтиб адоғига, ёзиб сўнгтисига етолмайсан, киши...

Хўш, болани она қорнида, онани ҳомилалигида шунча-лик соғлик, ниғм, ҳаёт билан чамбарчас удумлар, анъаналар бор экан, фарзанд дунёга келганда қандай қадриятлар бўлган. Дарвоқе, фарзандинг дунёга келиш арафаси, ёруг жаҳонни кўриши ва биринчи қадам ташлашга ҳам бир қатор халқона қадриятлар борки, биз улардан баъзи бирларигагина тўхталиб ўтаоламиз холос.

Фарзанд дунёга келаётган пайт билан боғлиқ қадриятларнинг мақсад-вазифалари, мазмунлари кишини ҳайжонга солади. «Халқнинг инсон билан ғабиат ўртасидаги боғлиқликлар, одам табиатнинг бир бўлаги эканлигини англашда чуқур маъно касб этади.

Малик МУРОД,
профессор.

ФАРЗАНД ДУНЁГА КЕЛАЁТГАНДА

дала шийпонида ишдан қоламан деб, шошиб-пишиб эмизаётганларни кўп кўрганман. Кунига минг-минг марта ерга эгилиб, туриб чопиқ чопаётган, гўза ягана қилаётган, пахта тераётган, гўзапоя суғираётган аёлларни кўп кўрганман. Улар орасида ҳомиладор аёллар ёҳуд янги бўшалган аёллар йўқ эди, дейсизми?! Бу ҳам майля-я, чидаса бўларди. Иккиқат аёлга қараб ҳам дўқ-пўписалар қилиш, ҳақоратлашлар, қўрқитишлар, ҳатто калтаклашлар-чи? Шудгор ичида, дала шийпонида, йўлда-чўлда қўрқувдан, оғир меҳнатдан, калтакдан, дўқ-пўписадан бола ташлаб қўйган ёҳуд ҳомиладор қолда ўзини ёқиб юборган, осган, ариқ-каналларга ташлаганлар оз бўлдими?! Ҳа, бизнинг аёлларимиз эзилда, хусусан ҳомиладор ёҳуд янги бўшалган оналаримиз ҳақ-ҳуқуқини камситишда, оёқ ости қилишда, шахсиятларини қадрсизлантиришда, қисқаси уларни қул, жонли роботларга айлантиришда бошқа мамлакатлардан ҳеч ўттиз йил эмас, минг йиллар илгарилаб кетдик, десак тўғрироқ бўларди. Ярим оч, ярим ялангоч қолларда эрталабдан то кечгача пахтазорда сақлаш, болаларидан ажратган ҳолда меҳнат қўйинда «жавлон» урдириш, қандайдир дорилар билан заҳарлаб, умрини бевақт хазон қилишда рекорд қўймадикми? Эҳ, уларни айтиб адоғига, ёзиб сўнгтисига етолмайсан, киши...

Хўш, болани она қорнида, онани ҳомилалигида шунча-лик соғлик, ниғм, ҳаёт билан чамбарчас удумлар, анъаналар бор экан, фарзанд дунёга келганда қандай қадриятлар бўлган. Дарвоқе, фарзандинг дунёга келиш арафаси, ёруг жаҳонни кўриши ва биринчи қадам ташлашга ҳам бир қатор халқона қадриятлар борки, биз улардан баъзи бирларигагина тўхталиб ўтаоламиз холос.

Фарзанд дунёга келаётган пайт билан боғлиқ қадриятларнинг мақсад-вазифалари, мазмунлари кишини ҳайжонга солади. «Халқнинг инсон билан ғабиат ўртасидаги боғлиқликлар, одам табиатнинг бир бўлаги эканлигини англашда чуқур маъно касб этади.

ҚЎМСАШ

ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...

ТОШКЕНТНИНГ «Тахтапул» мавзеси томон йўл оларканман, қадимий обидалардан ҳисобланган «Коҳота бузург» дафнияси олдида тўхтаб, ҳаёлга чўмдим. Зонпошша отин бувимдан болалик чоғларимда бир ажиб ҳикоятни эшитиб юрардим. Подшо ҳукумати 1916 йилда биринчи жаҳон муҳорабаси туфайли маҳаллий аҳолидан йигитларни мардикорликка олиб, узоқ Сибирь қарағайзорларига «нишчибатальон» сифатида жўнатганида улар орасида бош ойликкина келинчак Дилороннинг ҳам Фазлиддин номли ёшгина умр йўлдоши бўлган. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Фазлиддин ўрмонзорда фалокатга учраганн ва фожиали ҳалок бўлгани ҳақида совуқ хабар келганида унинг ота-онаси эсидан оғиб қолаёзган, Дилоро эса ғам-андуҳ оташида куйиб, телбанамо бўлиб қолган. Бу ерга яқин «Кайковус» номли тўлиб-тошиб оқадиган катта ариқ бўйига тонг саҳардан бориб олиб, ўқинч-армонларинн қўшиқа солиб, сувга айтган:

Оҳ Кайковус, Кайковус,
Ёрим сендек шаҳид кетди.
Унга қилган тажаввуз,
Мурод-мақсудга етди.
Эдим лобар, гўзал гул,
Ёш умримни хазон этди.
Бўлдим энди бева, тул,
Билмам тақдир мени
нетти?
Ёр қолдирган ҳомила,
Таскин берар деган эдим.
Дарлда етмай комила
Тушди, яна заққум едим.
Гирён кўзим йўлида
Бор дилда бир ялинж
ниҳон.
Зора дейман шум хабар
Бўлиб чиқса ғирт ёлғон...

Тарих икки маротаба қайтарилади: бири фожиа, бири эса фарс-майнабозчилик шаклида, дейишади донишмандлар. Буни қарангки, Фазлиддин ва Дилоро воқеаси содир бўлганидан роса 75 йил кейин, яқинда «Кайковус» ариғи ёнидан мен шунга ўхшаб кетадиган бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир пайтлар қумчилар 3—4 метрли кетмон билан қум чиқарадиган қирғоқда сочлари тўзғиган, ҳаёли ўта паришон, енгил-елди кийинган ёшгина аёл ўтирарди. Унинг қўлида бешолтита қизил гул, алланиналар деб гулни бирин-кетин сувга ташлади. Мен қайрон бўлдим ва навжвон олдига аста-секин яқинлашдим ҳамда сўзларига қулоқ бердим. Эвоҳ, не кўз билан кўрай, не қулоқ билан эшитайки, қирғоқда ана ўша Дилоро тақдирига ўхшаш, аламу андуҳ телбанамо кўлиб қўйган бир кўҳли аёл ўтирарди ва «Кайковус»га қараб дилларни эзиб юборадиган мана бу сўзларни айтарди:

Оҳ, Кайковус, Кайковус,
Ёрим жангда маҳв бўлди.
Висолимга тўймаган,
Нав-ниҳолим чин сўлди.
Азиз юртдан йироқда
Ўқ тешди ёш кўксини.
Энди нур йўқ чироқда,
Умрим ўтар ўксиниб.
Ҳаётимдир зимистон,
Айрилиқда ўртандим.
Дилу жигар тўла қон,
Кетди жанга пайвандим.
Яшашга ҳақлидик-ку,
У ҳам бошқаларр каби.
Камина бахтлиди-ку
Қуйғанда бол ёр лабя...
Оҳ Кайковус, Кайковус,
«Афғон» деса жим
турдинг.
Бегуноҳлар маҳв бўлса
«Қаҳрамон» деб мавж
урдинг.
Нелар солди бошима
Ўша афғон жанглари?
Қирон келди ёрима,
Қолди унда таҳлари...
Кўз олдимда Зонпошша бувим ҳикоятидаги Дилоро яна гавдаланди. У энди она-заминдан узоқларда, ўзга юрт жанг майдонида кўксидан ўқ еб, бегуноҳ ўлган, жасади ҳатто темир тобутда ҳам Ватанига кириб келмай, мусофирчиликда абадий қолиб кетган эл ўғлонининг ёшгина умр йўлдоши эди. Навқирон ўғлини Афғонистонда бўлаётган жангларга олиб кеттанида эндигина олти ойлик келин эди. Кажрафтор фалакнинг ўйиннни қарангки, гўё масхара қилгандек, бунинг ҳам ҳомиласнни эрта маҳв этди, навниҳол онанинг ҳаётига бешафқатлик гармсели яна бир бор ҳужум қилди, битмас-туганмас ғаму андуҳларга мубтало этди, ҳатто севгилисидан ёдгор бўлиб қолиши мумкин бўлган якка ягона севинч, таскин тимсолини ҳам бемурувват тамом қилди. Шундан сўнг у ердаги мўмин-мусулмонларнинг айтишларича, бу навжувон телбанамо бўлиб қолган, ҳар куни тонг отганда у ҳам худди Дилоро кабн «Кайковус» бўйнга югуради, ғам-аламларнинг армонсу ўкинчларини сувга оқизмоқчи бўлади, гоҳ маъюс кўйлайди, гоҳ телбаларча ҳаҳолаб кулиб юборади, гоҳ жигар селнга айрилиқла вайрон бўлган юрак қонини омухта қилиб оху фарёд солади, гоҳ севгилисининг исмини атаб, «Наврўз», «Наврўз», дея узоқ-узоқларга қараб қичқиради...

Ҳа,ҳар йили дилларга севинчлар улашиб Наврўзи олам келаднр, аммо «Кайковус» бўйнга тонг-саҳардан чиқиб олиб кўзларидан андуҳ чашмасини оқизадиган, қон-қон йиғлайдиган бу бахти сиёҳ этилган навжувонинг Наврўзбеги ҳали ҳам келмайди... Ҳа, фақатгина мана шу аёлнинг Наврўзигина келмади, эмас?! Ахир «Темир тобут» фожиали асари қачон яратиларкин?..

Ўлкамизга яна баҳор кириб келди. Диёримизда бодом, ўрик, шафтоли, бинафша, лолақизғалдоқу чучмомалар очилиб, гуллайди. Яна Наврўзи олам қадам ранжида этаянти. Яқиндагина қиш қўйнидан чиққан қир-адирларни аста-секин кўк бахмал қопламоқда. Чўпонларнинг ҳай-ҳувларию қўй-қўзиларнинг маъраши қулоққа ёқимли эшитилади. Шаҳару вилоятлардаги боғу роғлар ҳам сабзаранг тортмоқда. Дарахтлар шоҳида ўтириб майин сайраётган қушлар навоси кишини сармаст қилади. Ирмоқлардан югуриб келаётган сувнинг шилдираши ҳам баҳри-дилингизни яйратади. Аллақаёқдандир баҳор шаббодаси ўта таъсирли куйлаётган хонаданинг овозини қалбларга етказиб, жон-томирларга ҳузур бағишлайди:

Фасли навбаҳор ўлди,
кетибон зиминстонлар,
Дўстлар ғанимадир,
сайр этгин гулистонлар...

Қатағон ва турғунлик йилларида қаҳоратланиб, саҳлхона омборхонасига айлантириб қўйилган ва сўнг вақтларди ўзига хос «ўйғониш» туфайли қайтадан таъмир этилиб, ана ўша «Тахтапул» мавзеси яқинида янгитдан ишга туширилган мажнид имомининг инсонийлик ҳақидаги ваъзини ҳам суҳбат-сабо қулоқларга етказиб, қалбларга солмоқда:

— Юртимизга Наврўзи олам кириб келиб, дилларни сарафроз этмоқда экан, йилимиз қут-баракотли, ҳайрли, эҳсонли бўлсин. Элимиз тинч-тотувликда, иноқу ҳамнафасликда ҳаёт кечирсин. Тирикларга имону меҳр-оқибат юз тутсин, ўтганларни яратганнинг ўзи раҳмат қилсин, ҳеч бир банда завол кўрмасин, азият чекмасин. Фарзандларимизни балолару офатлардан, бемаҳал ўлимдан ўзи асрасин!..

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
санъатшунос.

КЕЧИНМА

АЛАР ДИЙДОРИГА ИНТИЛ...

Чархи давворнинг, бағри бунчалар ҳам тош бўлмаса?
Сени дунёга келтирган инсон — отангни бир кун ёнганлиги билан ёўқ қўлинг билан кафанлаганмиз! Бундан ҳам ортиқ бедодлик борми?!, Сенга ёруг жаҳон дийдорини насиб этган волидингни қоронғу қабр сари елкаларда элтсанг. Устингдан зар сочган падари меҳрибонинг тепасидан тупроқ тўксанг.

Во дариғ! Тириклигида оёғи остига қўй сўйиш ҳаёлингга келмасаю, вафотидан сўнг...

Гоҳо йўлларингда бедору нигорон ўтирганда «ухлаб, дамингизни олавермайсизми?» деб ортингсанг абадий уйқуга кеттач тепасида «Кўзингизни очинг!» дея гирёну зор қақшасанг! Баъзида панд-насиҳат айтар бўлса, юз турли баҳона билан гапни тинглашдан ўзингни олиб қочсангу вафот этгач, «Отажон! Сўзингизга тўёлмадим» дея фарёд чексанг. Бу не бедодликки, баъзан ой...и бир кўрганн бормасангу дунёи фонийни тарк қилгач, ҳар ҳафтада бир неча бор арвоҳини йўқласанг!..

«Ўлим—ҳақ!» дейнадаги муқаддас таълимотда. Биз—фарзандлар бу оддий ҳақиқатга дуч келганимиздагина уни тан оламиз, холос. «Ўлим — ҳақ!» Бу—тириклик ғаниматдир, дегани эмасмиканг?!, Афсус, минг афсус, жуда кеч тушундим!..

Ғаниматт ҳар нафас,
фарзанд,
отанг дийдорига интил,
Онанг пойин тавоф айлаб,
хуш ул рухсорига интил.
Тириклик чоғида гар бир
лаҳза ёдин унутгайсан—
Тополмассан—магар минг
бор.
сўраб мозорига интил!..
Этурга ёр маҳнин, эй
дили ошиқ, ултургасен,
Қилу аввал отанг васфин,
онанг алёрига интил.
Не суд онанг-отангдин
сўнг
белинг боғлаб, тўкиндин
ашк,
Тирик вақти боғла хизмат
камарин—корига интил.
Волидингга сўраб жаннат
нечун эҳсон-эар сочурсан?
Ҳаёт чоғи тўрт миранга
ноёт ол-рўзорига интил
Магар фарзанди қобиллик
тилар эрса ким, Дилмурод,
Дегил: «Отанг ғаниматт
ҳам
онанг дийдорига интил!»

Дилмурод САИДОВ.

ЖАБРДИЙДА МЕРОС

Муҳтарам «Қадрият» саҳифаси ижодкорлари!

Ушбу рўпонда қошида янги бўлим ташкил этилганлиги билан унинг ташкилотчиларини чин дилдан табриклаган ҳолда қизғин қувватлайман. Бўлим ўз вақтида ташкил қилинди, деб ўйлайман. Чунки ҳеч қайси бир жамият ўтмишсиз бўлмаса керак. Ўтмишни билмаслик маънавий инқироз ҳисобланади. Ўтмишни билмай туриб, келажакни ҳам яратиб бўлмайди. Қадимий ва миллий қадриятларимизни тарғиб этиш ёш авлод камолати йўлида уларни намуна ўрнида ўргатиш вақти етди. Бу борада бизга «Қадрият» саҳифаси кўмак беради, деган умиддамиз. «Қадрият» ҳали жуда кўп хайрли ишларни амалга оширишга ишонаман.

Яқинда «Қадрият»нинг навбатдаги саҳифаларидан бирида профессор Малик Муроднинг «Жабрдийда мерос» мақоласи эълон қилинди. Гўё анчадан бери дилимда йиғилган гаплар қоғозга кўчгандай ҳис этдим ўзимни. Унда халқимизнинг китоб билан боғлиқ қадриятлари ҳақида сўз боради. Қани қадимий ва машҳур китобларимиз? Нега уларни ўқиёлмаяпмиз? Маънавий дунёмиз қаншоқлиги эҳтимол шундандир!

• Акс садо

Агар ёнингда китоб турса, у қорнингни тўйғаза олмайди, албатта, устингга кийим ҳам бўлолмайди. Лекин маънавий дунёнгга таъсир кўрсатади! Қорин тўйғазиш, кийим кийиш йўлини ҳам кўрсатади. Бугунги кунда китобга бўлган хурмат, эътиқод, ишонч заифлашган. Биз бободларимиз сингари китобни азиз ва тўтиё қилиб кўзга суртмаяпмиз, ноёб билиб, асраб олмаяпмиз? Инсонни, унинг хулқ-атворини, фазилатларини нини йўл билан ўзгартириш мумкин, меннича. Инсонга хазина туҳфа қилсанг, унинг моддий бойлиги ортиб, маънавияти инқирозга юз тутади. Агар унга муқаддас китоб ато этсанг-чи, унда унинг маънавияти бойийди. Барчамизга таниш бу инки йўлнинг қай бири афзал? Уни агар давримизга таққосладиган бўлсак, меннича, кўпчилик бирнчи йўлни танлайди, чунки улар учун ҳозир маънавий бойликдан моддий бойлик муҳимроқ. Ҳозир вақтда одамлар қўлига пул тушди дегунча китоб эмас, озиқ-овқат ва кийим дўконига югуришади. Аччиқ бўлса-да, бу ҳаётий ҳақиқатдир. Қисқаси, мен профессорнинг мақола сўнгтидаги барча фикрларини қўллаб-қувватлайман. Нафақат қувватлайман, балки бошқалар ҳам бунга қатъий эътибор беришларини ва амалий ёндошишларини истайман. Давр оқибати ва авлоднар айби билан сочилиб кетган шарқимизнинг ноёб қадимий асарларини тўплаш, янгиш йўлларини ислаш биз учун ҳам, авлодлар учун ҳам муҳимдир.

Муаттар АЛИШЕВА,
Оққўрғон ноҳияси.

Қадриятлар

• *Истибдод қурбонлари*

АДОЛАТСИЗЛИК ИСКАНЖАСИДА

ҲА, Шўро ҳокимияти ўрнатилгач, ундан кутилган орзулар чиппакка чиқди. Ўша 1864 йилдаги чоризм босқинининг ашаддий давоми сифатида қон тўкиш асосида пайдо бўлган «социалистик давлат» халқ бошига не-не кулфатларни келтирмади дейсиз?! Мустақиллик йўлида курашганлар борки, барчаси ажалнинг ўқига гирифтор қилинди.

Не сабабдан шундай бўлди? Бу бедодликларнинг асосида «иштонсизнинг ҳадиги чўпдан» деган халқ мақоли ётарди: зўравонлик, куч ишлатиш, қон тўкиш каби ваҳшийликлар асосига ўрнатилган мустабид давлат қачонлардир инқирозга маҳкум эди.

Бу тарих сабоқларидан маълум. Ушбу сабоқларни кўз олдига келтирган ва унга таҳрир киритмоқчи бўлган, пролетар диктатураси номидан иш бошлаган Шўро ҳокимияти ўз сиёсатида фуқаролар ва мазлумларга гўё меҳрибонликни раво кўраётгандек иш тута бошлади. Аслида эса ҳокимиятни қўлдан кетказмаслик учун ишни хамирдан қил суғиргандек кўзга кўринган зиёлиларни йўқотишдан бошлади.

Диктатурани сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун Шўро ҳокимияти кўр-кўрона қонунбузарлар ва муштумзўр «қонуншуносслар» гуруҳини зудлик билан ўқитди ва тарбиялади, сўнгра улардан НКВДчилар етиштирилди. Улар ақлини таниган зиёли борки, сира иккиланмай «миллатчи», «аксилинқилобчи», «халқ душмани» сифатида турмага тиқа бердилар. Мамлакатда кишилар орасида осойишталик ўрнини хавфсираш, қўрқиш ва қалтираш эгаллади. Фуқаролар «мени қачон қамаб қўяр экан» деб чўчиб юрса, НКВДчилар «фуқаролар қачон ҳокимиятга ҳужум бошлар экан» деб қўрқардилар. Шунинг учун ҳам миллий зиёлиларни битта-битта, ҳатто гуруҳ-гуруҳ билан қамай бошладилар, уларга сиёсий айб қўйдилар.

Муштумзўрлар энг хавфли душман деб чет элда, айниқса, Арабистон, Туркияда ўқиб келганларни тушунишди. Мусулмон давлатларининг таълимини олган зиёлиларимизга пантуркизм ва панисломизм тамғаларини босдилар.

ПАНТУРКИСТЛАР КИМЛАР ЭДИ?

«ПАНТУРКИЗМ» атамаси барча туркий тилларда сўзлашувчи халқлар бирлиги ғоясини ифодалаган. У махсус оқим сифатида XIX аср охирларида Туркияда пайдо бўлган. Кейинчалик XX аср бошларида Россиянинг баъзи туркий халқлар яшайдиган (Қозон, Уфа каби) жойларида ва Туркистонда вужудга келди. Туркияда фаолият кўрсатган ёш турклар партияси — «Иттиҳод ва тараққий» бу оқимнинг асосий ғояси, мақсад ва вазифаси сифатида босқинчиларга қарши курашда буржуа миллатчилиги — туркизм бирлиги байроғи остида танилди. Туркийлар бирлашуви ғояси Туркияда илдиз отган бўлса-да, кейинчалик бу оқим шу ернинг ўзида мағлубиятга учради.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг эса пантуркизмни ташвиқ қилиш шу байроқ остида авж олди. Пантуркистлар бирлашиб туриб Россия босқинига қақшатқич зарба бердилар. Ўша 1914 йил урушидан сўнг Туркия пантуркистлари коммунизмга қарши курашда ғоявий кучлардан бири сифатида майдонга чиқишди. Шу нарсани айтиш керакки, Туркистон пантуркистлари халқ орасида ўз ғояларини ивчиллик билан барқарорлаштира олмадилар, парокандалик ва сотқинликлар бу сиёсий оқимни мағлубиятга учратди.

ПАНИСЛОМИСТЛАР-ЧИ?

«Панисломизм» атамаси XIX аср охирларида Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида ислом бирлиги байроғи остида пайдо бўлди. Бу диний-сиёсий оқимнинг асосий мақсади — чет эл капиталининг мусулмон мамлакатларига суқулиб киришига қарши туриш, босқинчилар зулмидан қутилиш ва уларга қарши мусулмонларни курашга отлантирувчи, уларни ягона ислом давлати теварагига бирлаштириш ғоясини кўтариб чиқишдан иборат эди.

Табиийки, Ғози Олим Туркияда ушбу оқимга хайрихоҳ бўлган эди. Бу нарса катта алломанинг фожиали тақдирига маҳкам тиркалди. Олимни қатл этиш юзасидан тўпланган «ҳужжат»лар кўпайтирилди. Шундан сўнг унинг билан «ҳисоб-китоб» қилиш бошланди.

Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг биринчи профессори, фольклоршунослигимизнинг илмий-амалий бошловчиси Ғози Олим Юнусов бор йўғи 45 йил умр кўрди. Ана шу қисқа вақт ичида у ўзбек миллий маданияти тарихига оид кўпгина тадқиқотлар ёзиб қолдирди.

Ғози Олим 1893 йилда Тошкентда ишчи оиласида туғилди. У 1914 йилда Қоҳирага бориб, олий мадрасада таҳсил кўради, кейинчалик Туркия дорилфунунининг филология ва ижтимоий куллиётини тугатади. Фан асосларини яхши ўзлаштирганлиги учун дорилфунун томонидан Ота Турк номидаги тақдирнома билан мукофотланади. Қомусий билимга эга бўлган Ғози Олим Ленинград Шарқшунослик институтида илмий котиб бўлиб ишлаб юрган кезида бу билимгоҳ илмий кенгаши унга «профессор» деган юксак унвон берди. Айтишим мумкинки, Ленинграддек улкан шарқшунос олимлар фаолият кўрсатаётган шаҳарда унча-мунча илм дарғаси профессор бўла олмас эди. Бу ерда Н. Я. Марр, А. Н. Корш, Е. М. Малов, А. Н. Самойлович, Е. М. Мелиоранский каби жаҳон тан олган алломалар билан тенглаша олган Ғози Олим ана шу инсонлар тавсияси билан мазкур даражага молик бўлган эди.

У араб, форс, олмон, инглиз ва барча туркий тилларни яхши биларди. Ҳатто рус, араб ва олмон тилларида Самарқанд дорилфунуни, Тошкент педагогика институти ҳамда Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида умумий тилшунослик ва тил билимига кириш каби курслардан маъруза ўқиган эди.

Ҳужжатасров материаллари, 20- ва 30-йилларнинг «ойнаи жаҳони» — «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи», «Аланга», «Ўзгаришчи ёшлар» сингари ойномалар ҳамда «Туркистон», «Қизил байроқ», «Иштирокиюн», «Туркистон вилоятининг газети» каби рўзномаларни варақлар эканман, профессорнинг уларда чоп этилган туркий адабиёт назарияси, ўғиз (оғиз) адабиёти, туркий имло, ўзбек лаҳжалари, адабий тил, лексикологияга оид илмий жиҳатдан пухта ўнлаб мақолаларига дуч келаман. Ушбу тадқиқотларда кўтарилган муаммоларнинг руҳи олимнинг илмий тафаккур кучининг ўткирлиги, фикрлаш қобилиятининг кенг қамровлигидан далолат беришдан ташқари унинг адабиётшуносликнинг катта тадқиқотчиси; туркий тилшуносликнинг, шахсан ўзбек тил илмининг бетакрор билимдони эканлигини кўрсатиб турибди.

Қисқаси, атоқли олим тил ва адабиёт фанларини чуқур билган таниқли назариётчи, йирик амалиётчи сифатида ўзбек миллий маданиятида юқори ўринларда туради. Айниқса, атоқли адабиётшунос ўзбек миллий ўғиз адабиётига фақат назарий жиҳатдангина эмас, амалий томондан ҳам асос яратган эди. Ахир, ўша машҳур «Алпомиш»ни 1923 йилда, Хоразм оғзаки адабиётида катта ўрин тутган «Жумалак» айтишувини, Самарқандда донг чиқарган «Алла»ни 30-йилларда ёзма адабиётга илк бор олиб кирган тадқиқотчи ана шу инсон эди.

Олимнинг «Алпомиш» ҳақида (1923), «Эл адабиётидан намуналар» (1928), «Турк адабиёти тарихидан дарс намуналари» (1925), «Адабиёт тўғрисида хато назариялар» (1925), «Алла» тўғрисида икки оғиз сўз» (1926), «Оғиз адабиётида синфий туйғулар» (1930), «Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба» (1936), «Ўрта Осиё туркларининг янги алифбоси» (1927), «Ўзбек тили грамматикаси», «Ўзбек тилининг товушлари» (1930), «Болалар адабиёти ҳақида бир фикр», «Ўзбек уруғларидан қатағонлар ва уларнинг тили», «Юридик терминлар луғати» каби йигирмадан ортиқ туркий-ўзбек филологиясига оид китоб ва мақолалари эндиликда халқимизнинг маданий мулкига айланиб қолди.

Минг афсуски, бу улкан олим 1938 йил 4 октябрда НКВД «учлиги» томонидан «пантуркист», «панисломист», «Англия агенти», «халқ душмани» сифатида отилиб кетди. Жойингиз жаннатда бўлсин, устоз!

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Ғозин Олим ЮНУСОВ

ОҒИЗ АДАБИЁТИДА СИНФИЙ ТУЙҒУЛАР

(«АЛАНГА», 1930 йил, 5-6 сон)

ХАЛҚ адабиёти номи остида маълум бўлгон оғзаки адабиёт ҳеч бир замон турли синфлардан иборат бўлгон умум «халқ»нинг мафкурасини ифода этатурғон адабий ижод бўлмасдан, балки ижод қилинғон замонига кўра синфий ижод бўла келишидир.

Маълумки, бир даврнинг ёзма адабиётида ул даврда яшағон турли синфларнинг истиҳсолат муносабати орқасида туққан ижтимоий ва иқтисодий муносабати орқасида кўра олмағонимиздек, оғзаки адабиётда ҳам бу ҳолни очиқ кўра оламиз. Зотан синфий жамиятда ғайри синфий адабиётни (хоҳ бу адабиёт ёзма бўлсин, хоҳ оғзаки бўлсин) тасаввур қилиш мумкин эмас. Мен бу мақолам билан у очиқ ҳақиқатни такрор қилмоқчи эмасман, балки синфий туйғуларнинг ўзбек оғзаки адабиётидаги ўрнини кўрсатиш учун бир неча материал бериб ўтмоқчиман.

Синфий туйғуларнинг оғиз адабиётимизнинг бутун турларида топа оламиз, бироқ мен бу мақоламда фақат зарбулмасалларимиздан олинғон материаллар билан қаноатланаман.

Ҳоким синфи ўз вазиятини маҳкамлаш учун бутун чораларни кўради, бутун кучини ўз ҳокимиятини давом эттириш учун сарф этади. Маҳкум синфни иқтисодий жиҳатдан тамоман ўзига тобе тутиш билан баравар уни ўзига муте бир руҳда тарбиялашга ҳаракат қилади.

Қабила ҳаёти билан феодализм даврининг самараси бўлгон оғзаки адабиётимизда, шул жумладан, зарбулмасалларимизда бу ҳолни очиқ кўрамиз. Бу асарларда беклар ва хонлар ўзларини халқнинг хайрихоҳи, халқ учун қайғурувчи қилиб кўрсатмоқчи бўладилар, бексиз эл яшай олмаслигини талқин этадилар. Буларнинг идеологлари «халқ қайғусун ер, хон қайғусин ким ер», «қавми йўқ имом бўлмас, беги йўқ эл бўлмас» каби зарбулмасалларни ижод қилиб маҳкум синфни бу руҳда тарбия қилмоқчи бўладилар; «бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом» беришга ундайдилар. «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?», «ярим нафас — ярим нон», «сабр раҳмондан, бесабр шайтондан», «қаноат қорни тўйдирар» деб маҳкум синфни жабр ва зулмга, очиқ ва сафолатга бўйсиндирмоқчи бўладилар. Бироқ меҳнаткаш, фақир халқ бу талқинлар таъсирига тушмайди, хонларнинг халқ қайғусни еганига ишонмайди, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлгон» хонлар, беклар, бойлар ва муллаларга, «амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши», «берган бекка ёқар», «оч қадрин тўқ билмас», «бой ҳам бойга, худо ҳам бойга», «нон авлиё, ош машоих», «ҳамма нарсани ҳақдан тиласанг жўхорини дон тила» деб жавоб бериб келганлар.

«Эл оғзига элак қўйиб бўлмас» экан меҳнат тажрибаси орқасида «ҳақиқатдан гўнгнинг фойдалироқ» эканлигини англаган меҳнаткаш эл хон ва бойларнинг дастурхончиси бўлгон муллаларнинг сотлиқ ва ҳаёсиз жониворлар бўлгонликларини ўз вақтида яхши англаб, уларга «ҳамма мулла бир мулла», «эшагим муллаға тушмасин, ҳалол қилиб ер» деб баҳо берган.

Мана шу юқорида келтирилган мисоллар синфлар орасида кучли ижтимоий кураш давом этиб келганлигини аниқлаш билан бирга меҳнаткаш, фақир халқнинг ўз синфий душмани бўлгон хон, бек ва бойларга нафратини ва ул ҳоким синф фойдаси учун хизмат этувчи диндан ҳам унинг ходимларидан беза бошлагонлигини очиқ кўрсатади. Меҳнаткаш эл ўзининг оғир ҳолда яшагонлигини қисқа, бироқ очиқ ва аламли ифода эта билади: «дийқон бағри қон», «камбағалнинг туя устида ит қопар», «бепул бозорға борғунча, кафан олиб бозорға бор», «бедавлат бозорға чиқса шум хабарлар», «бой этаман деса топилар, ғариб этаман деса чопилар», «ғарибнинг бир тўйғони чала бойнгони» дейди.

Ҳақ ва ҳақиқат синфий бўлгонлигини меҳнаткаш эл адабиёти қайд этиб ўтади: «бойнинг мўриси қийшиқ бўлса ҳам, тутуни тўғри», «бой билан довлашма, кучли билан курашма», «оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг қизи эртаклар», «аслининг хатоси бўлмас», «қарға қарғанинг кўзин чўқимас».

Меҳнаткаш эл ўз кучидан ўзи фойдалана олмағонлигини, меҳнат муқобилида туртки еганини шундай қайд этиб ўтади: «қул йиғар эгаси учун», «қовуннинг сарасини ит ер, олманинг сарасини қурт», «от топади, ит ейди».

Эксплуатация чамадон ортида, кеча-кундуз меҳнат қилгон киши бир парча нонга термула бошлайди, бу телмуришлар меҳнаткашда шу фикрларни туғдиради: «телмурганинг тилаганинг эмасми?», «тилагандан эрур осон тилинган». Мана бу оғир, аламли турмуш меҳнаткаш халқни «зоримиз бор, зўримиз йўқ» бойларга қарши қўзғолишгача олиб боради. Бир синфий курашда муваффақият қозонади, мана бу зафар замонларида хонлар кўпчилик талабига бўйсунгонлигини шу масал кўрсатади: «кўп унаса хон туясини берар».

Куч кўпчиликда, оғиз бирликда эканлигини яхши англагон меҳнаткашлар «диндан чиқсанг чиқ, кўпдан чиқма» деб ташкилий курашдагина синфий душманларига ғолиб келишларини биладилар.

Лотин ёзувидан ҳозирги имлога

Ҳ. УЗОҚОВ
ўгирди.

(Боши 2-бетда).

20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.15 «Пульс». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.00 «Тонг».
8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 Мультфильмлар.
9.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Болалар учун тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.00 «Унутмас мени боғим». Телефильм премьераси (Тошкент).
10.40 «Саҳнанинг орқа томонида». Борис Андреев.
11.40 Л. Власенко чалади (фортепиано).

*

12.00 Янгиликлар.
12.20 Кўрсатувлар тартиби.
12.25 «Босқичлар».
13.05 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
13.50 Россия Давлат духовой оркестри чалади.
14.10 «Ён дафтар».
14.15 «Телемикст».

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Бугун ва ўша пайтларда».
15.55 «Бир якшанбада». Телевизион бадиий фильм.
17.00 «Кукурик ва компания» (Киев).

*

18.00 Янгиликлар.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.10 «Мусиқа тинглашга таклиф этамиз».
20.25 «007 рейс билан». «Корейс «Боинг-747»сининг рус сири» телефильм премьерасига.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

21.00 Янгиликлар.
21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида — Тхэквондо. МДҲ —Англия — Қурия матчи. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.
23.00 «Мавзу».
23.45 «Танго, танго, танго». Фильм-концерт.
00.15 «Салом, она-Россия». Шоир В. Соколов.
00.50 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мцен уездилик леди Макбет».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
8.50 «Диққат, сувратга олаяпман».
9.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
9.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
10.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Барселона» (Испания) — «Динамо» (Киев).
12.15 Кундузги сеанс. «Кечир». Бадиий фильм.
13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Асаларичиларга маслаҳатлар».

* * *

16.55 «ТелеЭКО».
17.25 «Байрам» (Саратовдан кўрсатилади).
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «Очиқ дунё».
19.05 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
19.20 «Россия билан юзма-юз».
19.35 «Ҳар бир кун байрам».
19.45 Махсус тижорат хабарномаси.
19.55 «Исроил ҳақида тушлар. «Биз — исроилликларимиз». 3-фильм.
20.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.05 Эълонлар.
21.10 Россиянинг ҳужжатли экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.

Жума, 20. III

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.25 «Мактабда Наврўз байрами».
9.05 Такрорий фильмлар экрани. «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 2-серия.
10.10 «Чаманда гул». Жумҳурият ўқувчилар саройи «Чаман» ўзбек фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
11.35 «Ишбилармон олимлар даврасида».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Йўл-йўл филча». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бир келиб кетинг қишлоғимизга».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Рақслар ғулдастаси».
19.50 «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!». Адабий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Хотира». Саида Зуннунова.
22.05 «Кимсан, чавандоз!». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Информатика. Қисм программалар.
11.00 «Ўлкада баҳор». Кинопрограмма.
11.40 Биологиядан ўқувчилар олимпиадаси.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ:
18.30 Янгиликлар.
18.35 Мультфильм.
18.55 «Бабалардан калган сез».
19.10 «Базар нарки арзанби!».
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Шоир, денгиз ва илҳом». Фильм-концерт.
20.30 «Жерге тушчу, сўйлошолу».
21.10 «Баҳор байрами». Телефильм.
21.30 «Ала-Тоо».
21.40 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).
21.45 «Демократияни ўрганамиз».
22.15 «Ир кесе-91» ғолибларининг чиқиши.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.00 «Тонг».
8.30 «Болалар мусиқий клуби».
9.15 Театр учрашувлари.
10.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар.

*

12.00 Янгиликлар.
12.20 Кўрсатувлар тартиби.
12.25 «Эльдорадо».
12.55 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
13.55 «Адиген» ансамбли ижро этади (Озарбайжон).
14.15 «Ён дафтар».
14.20 «Бридж».
14.45 «Бизнес-класс».

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «ФФФ» (Формат, фокус, фантазия).
15.45 «Лев Гурич Синичкин». Телевизион бадиий фильм.
17.00 «Янгра, гармонь!».

*

18.00 Янгиликлар.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 Тхэквондо. МДҲ — Англия—Қурия матчи. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

21.00 Янгиликлар.
21.20 Кўрсатувлар тартиби.
21.25 «ВИД» таништиради: «Нигоҳ», «Музобоз», «Спорт», «Шоу-биржа», «Мусиқий соат».
00.35 «Тонг юлдузи» тунги эфирда».
01.35 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.
02.15 Автоспорт. «Юлдузлар» пойгаси.
02.45 «Лўли ҳикоялари». Фильм-концерт.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
9.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35 Сиёсий бўлим. «Бундай партия йўқ».
11.30 «Кўнгилочар ўйинлар».
11.55 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Тадбиркор ва қишлоқ».
14.00 Биатлон бўйича жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги.
15.00 «Простор +». Телебиржа.
15.30 «Рашен пайлот».
15.50 Вариацияли мавзу. «Муаллифлик қўшиқлари». 2-кўрсатув.
16.40 Парламент хабарномаси.
16.55 «Бизнинг экспертиза». Россия Федерацияси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз.
17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 НАТОдан репортажлар. «Адмираллар нималар ҳақида тортишишмоқда?».
18.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
19.05 «Версия».
19.20 Христианлар учун кўрсатув.
20.20 «Ҳар бир кун байрам».
20.30 «Тилла шпора».
21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.20 Театр сафари. «Антёрлар тунги клуби». 2-кўрсатув.
23.40 «Уйим тўри — қалбим қўри». Бадиий фильм.

Шанба, 21. III

● ЎзТВ I

21 МАРТ КУНИ
СОАТ 9.00 ДАН
22 МАРТ
СОАТ 10.00 ГАЧА
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«МУСТАҚИЛЛИК,
ТИНЧЛИК,
МЕҲР-ШАФҚАТ»
ШИОРИ ОСТИДА
НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН
ХАЙРИЯ
ТЕЛЕМАРАФОНИНИ
ЎТКАЗАДИ.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00—14.00
«НАВРЎЗИ АЖАМ»
ТЕЛЕМАРАФОНИ.

* * *

17.00—24.00
«НАВРЎЗИ АЖАМ»
ТЕЛЕМАРАФОНИНИНГ
ДАВОМИ.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

7.30 Ишбилармон кишининг тонги.
8.30 Тонгги мусиқий кўрсатув.
9.00 «Марказ».
9.40 «Мусиқий дўкон».
10.10 «Фортуна». Телефильмлар танлови.
10.40 «Ҳамдўстлик видеоканали.
11.55 Мусиқа антологияси. С. Рахманинов. Н. Паганини мавзуларига рапсодия.
12.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.15 «ДТ-75Т» тракторн». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
13.25 «ЭХ». Экологик хроника.
13.40 «Федоскино санъати». Телефильм премьераси («Экран»).

*

14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 Ф. Слидовкер ва А. Тафелнинг фильм-балетлари. «Кармен-сюита».
15.25 «Лимпопо».
15.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Иордания — қалбим қўшиғи» (Иордания).
16.25 «Пи» белгиси билан.
17.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
17.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.40 «Қизил квадрат».
19.20 «Саккиз қиз—бир ўзим». Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.50 «Корейс «Боинг-747»сининг рус сири». Телефильм премьераси. «Известия» «Хиросима ТВ» (Япония) иштирокида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

21.00 Янгиликлар.
21.20 Кўрсатувлар тартиби.
21.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Кутилмаган». Бадиий фильм (АҚШ).
22.40 «Тасанно».
00.25 «Уэмблн йўлида». Футбол бўйича 1992 йилги Англия кубоги.
01.25 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.
01.55 «Даврани кенгроқ олинг».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 «Чашма».
9.00 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
9.30 «Ҳужжатли экран».
10.15 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
11.00 «М-трест».
11.30 «Петербург моғиналари». Владимир Атлантов.
12.00 «Познер ва Донахью». АҚШдан ҳафталик кўрсатув.
13.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
15.00 «Эскулап».
15.10 Россиянинг телевизион театри. А. Аверченко миниатюраларини МХАТ артисти И. Кашинцев ижро этади.
15.45 «Чистие прудидаги уй» «12-А» киностудиясини таништиради.
17.15 Русча стиль.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.35 «Балетнинг мингта такти».
19.45 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм.
20.15 «Ҳар бир кун байрам».
20.25 «Учқур гусарлар эскадрони». Бадиий фильм. 1-серия.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
22.50 Театр сафари. «Ўмадсиз йиғлайверсин...». С. Юрскийнинг «Уйинчилар-XXI» спектакли премьерасида.
23.55 «А» программаси.

Якшанба, 22. III

● ЎзТВ I

18.00 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур».
18.30 Турк тили.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Истеъдод». Шоҳиста Парпиева, Инобат Жонриева.
19.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ҳадя бўлсин Сизга гул ҳам, қўшиқ ҳам» (такрор.).
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ:
14.20—22.00
Ўзбекистон телевиденнесининг
«МУСТАҚИЛЛИК,
ТИНЧЛИК,
МЕҲР-ШАФҚАТ»
шиори остида
Наврўзга бағишланган
«Дўстлик» видеоканали.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

8.00 Ритмик гимнастика.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 Спорт ҳамма учун.
9.15 «Эрта саҳарлаб».
9.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
10.25 Янги номлар.
11.15 «Франция. Бизнеснинг оддий сири». 2-қисм — «Қишлоқдаги дўкон».
11.40 Киноҳақиқатми! «Махфий миссия». Бадиий фильм.
13.50 «Саёҳатчилар клуби».
14.50 Янги авлод танлайди.
15.45 Хоккей. МДҲ чемпионати. Ярим финал. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.30 «ТВ-Нева»: «Ким биз билан!».
17.50 «Уолт Дисней таништиради...».
18.40 «Телелоция».
18.50 «Икки ҳикоя учун сюжет». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Биринчи муҳаббат» туркумидан.
20.05 «Туш». Мультфильм. Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.45 Юрий Литоновнинг «Олтин диск»и.
20.15 «Саккиз қиз— бир ўзим».

*

22.00 «Якунлар».
22.45 Кўрсатувлар тартиби.
22.50 «Брэйнг-ринг».
23.50 «Рақслар, рақслар, рақслар». Россия бал рақслари юлдузлари (АҚШ).
00.20 «Мисрда тайёрланган...».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

8.00 Хабарлар.
8.20 «Ҳужжатли экран».
9.00 «Хоҳ ишонинг...».
9.30 «Вера ва Анфиса мактабда». Мультфильм.
9.40 «Дарча».
10.10 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
11.05 «Суперкитоб». Мультфильм. 5-серия.
11.30 «Ати-бати...».
12.00 Биатлон бўйича жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги. Новосибирскдан кўрсатилади.
13.00 «Пеликан» аукциони. Хайрия.

*

14.20—22.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«МУСТАҚИЛЛИК,
ТИНЧЛИК,
МЕҲР-ШАФҚАТ»
ШИОРИ ОСТИДА
НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ.

*

22.00 Хабарлар.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Учқур гусарлар эскадрони». Бадиий фильм. 2-серия.
23.45 Театр сафари. «Елғиз кулгигина эмас...» (З. Поперний ва Л. Лебединская).

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» рўйхатининг 13 март сонидан олинган.

● «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига ●

Яна қанча кутайлик?

ТЕМИР йўлнинг 134-бекати кўпинча гавжум бўлади. Бу ерда ва унинг атрофида истиқомат қилувчи оилалар темир йўл, айниқса шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар ташувчи поездлар хизматидан шу бекатда фойдаланадилар. Лекин афсусланадиган жойи шундаки, улар қатор ноқулайликларга дуч келмоқдалар. Айниқса, бекатдаги платформанинг қаровсиз ҳолда, ўйдим-чуқур, ёрилиб-нураб ётганлигини таъкидлаш ўринли. Унинг айрим жойларидан вагонлар пиллапояларига чиқиб олиш анча қийин бўлаяпти.

Шу бекат ёнида яшовчи аҳоли бу камчиликларга хотима беришни сўраб Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига хат юборган эдик. Ўшандан бери уч ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Лекин, ҳамон ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ.

Тўғри 1992 йилнинг 21 январида бизга темир йўл бошқармаси йўловчилар бўлими бошлиғи Т. С. Алимов имзоси қўйилган буйруқдан нусха юборишди. Унда шундай дейилади: «Ушбу буйруқ Тошкент темир йўл дистанцияси бошлиғи ўртоқ В. М. Мишкинга 134-бекатдаги йўловчилар платформасини кўтаришни ва йўловчиларнинг чиқиш ва тушишлари учун қулай шароитларни қисқа муддатларда яратиб бериш ҳақида чиқарилди. Буйруқнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилди».

Ҳаммаси ҳам майлия, лекин шу назорат ўрнатилганлигини ҳеч сезмадик. Буйруқ кўпроқ биз, мажбуран шикоят ёзганларни чалғитиш учун чиқарилганга ўхшайди. Орадан сал кам уч ой ўтишига қарамай ҳали бекатда тузатиш ишларига қўл урилмаганлиги ҳам шундан далолат бермайдими!? Бундай қуруқ, фақат оқ қоғозни қоралаш, меҳнаткашларни алдаш учун битилган буйруқнинг кимга кераги бор! Бу эски бюрократик замондан қолган иш усули ҳамон давом этаётганлигини кўрсатмайдими?

Мурожаатимиз жавобсиз қолаётганлиги учун ҳам рўзномангизга хат ёзишга мажбур бўлдик. Зора, темир йўл раҳбарлари ваъдабозликдан амалий ишга киришсалар, деб шу бекатда яшовчи 134 нафар аҳоли номидан нафақахўр.

Б. МАЙЛИЕВ.

АБДУЛЛА ОРИПОВ— ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИ

АБДУЛЛА Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳида Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги жумҳурият давлат мукофотининг совриндори Абдулла Орипов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Билимгоҳнинг ўқитувчи ва талабалари халқимизнинг севимли шоирини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Учрашувни олий билимгоҳ ректори Азиз Тўраев кириш сўзи билан очди. Сўнгра шоирнинг мухлислари Абдулла Орипов қаламига мансуб шеърлардан ёд айтиб бердилар. Билимгоҳ қошида фаолият кўрсатаётган «Ораз» ашула ва рақс дастаси қатнашчилари ўзларининг концерт дастурини намойиш этдилар. Унда А. Ориповнинг «Сен баҳорни соғинмадингми?» каби бир қатор шеърлари ҳам қўшиқ сифатида ижро этилди. Шунингдек рақслар куйларга, куйлар қўшиққа уланди.

Абдулла Орипов ўзининг меҳр-муҳаббат, бахт ва дўстлик, она-табиат ва жумҳуриятимизнинг мустақиллигига бағишланган шеърларидан ўқиб берди. Талабаларни қизиқтираётган кўпгина саволларга жавоб қайтарди. Шеърият мухлислари шоирдан эсдалик учун дастхат ёздириб олдилар. Хуллас, халқ шоири билан бўлган бу қизиқарли учрашув кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Латофат Бекмат қизи,
Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳининг 2-курс талабаси.

• БОШҚОТИРМА •

Қуйида таърифланган ном ва сўзлар тўрт ҳарфлик бўлиб, «Б» ҳарфи билан бошланади. Жавоблар белгиланган хонадан соат мили йўналишида ёзилади.

1. Кийикнинг бир тури, камёб жонивор. 2. Ўзбек мумтоз шоираси. 3. Катта гармонь. 4. Ўқувчиларнинг адабиёт ва она тилидан ёзма иши. 5. Оврўподаги давлат пойтахти. 6. Тагидан шохлаб ўсувчи майда дарахт. 7. Асримизнинг 20—30-йилларида ижод қилган ўзбек шоири. 8. Чехо-Словакиядаги шаҳар. 9. Кимёвий элемент. 10. Сувда ва қуруқликда яшовчи жонивор. 11. Отанинг ёки онанинг отаси. 12. Омад, иқбол. 13. Кийим-кечакнинг тўғри чокли қирғоғи. 14. Юнон алифбоси ҳарфи. 15. Қад, қомат. 16. Аруз вазнида ёзилган икки мисра, бир банд шеърий парча. 17. Тўй, ўйин-кулги кечаси. 18. Ичимлик тури. 19. Нарсанинг, молнинг қиймати, нархи. 20. Илмий, адабий ёки бошқа мавзулардаги мунозара.

Ф. ОРИПОВ тузган.

1992 ЙИЛ 25 ЯНВАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Бозор. 2. Бодом. 3. Бошоқ. 4. Шовот. 5. Довон. 6. Когон. 7. Кокос. 8. Мотор. 9. Товоқ. 10. Қовоқ. 11. Қоғоз. 12. Қозон. 13. Қозоқ. 14. Ховос. 15. Ровон. 16. Похол. 17. Ротор. 18. Косон. 19. «Фобос». 20. Сопол.



РАССОМ ҲАЖВ ҚИЛАДИ

Қушлар:
— Тентак, шу оқава сувда балиқ бор деб ўйлаяпти, шекилли.



— Хотин, охири қисқартиришди мени...
— Келиб-келиб шу пайтдаг, рўзғоримиз нима бўлади?

Шавкат Музаффар ўғли ва Ш. Субхонов чизган расмлар.

УКРАИНАДА СЎМНИ ҚАНДАЙ АЛМАШТИРИШМОҚЧИ

Ўз пул бирликларини жорий қилиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўраётган МДҲнинг бир қатор республикаларида фуқаролар ўзлари ишлаб топган пулларнинг тақдири қандай бўлиши билан боғлиқ жуда кўп саволлар пайдо бўлмоқда.

Бу борада Украина ва Россия парламентларида дастлабки қадам қўйилди. Шу республикалар вакиллари яқинда имзо чеккан ҳужжатда айтилганки, СССР бўлиниш чоғидаги ҳамма нақд пуллар давлатлар ўртасида тақсимланиши керак.

Резерв жамғармаларининг бор пул билан тўлдирилишини пул олаётган томон қарз сифатида расмийлаштиради. Кредитлар тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин.

Украина ўз пулларини жорий қилган тақдирда ҳамма турдаги банк счётларидаги барча сўм қолдиқлари ягона принцип бўйича миллий валютага айлантирилади. Украинага сўм билан тушаётган ҳамма турдаги тўловлар тижорат банклари томонидан олинади. Олувчи ҳисобига миллий валютада тегишли сумма ёзиб қўйилади. «Сўм зонаси»да худди шунга ўхшаш операция амалга оширилади.

Белгиланган муддатда Украинадаги ҳамма мавжуд сўмларни топшириш керак бўлади. Корхоналар — кассада қолган қолдиқ пул ва ҳисоботли суммалар миқдорида топширади. Фуқаролар эса чекланмаган миқдорда топширадилар. Алмаштирилган миллий валюта қўлга берилиши ёки маълум муддат давомида банк счётига ёзиб қўйилиши мумкин. Пуллар алмаштирилиши чоғида истеъмолдан чиқарилган сўмлар Россиянинг Марказий банкига берилади.

Жуда муҳим яна бир шарти. Ҳар қайси томон 1982 йил давлат ички ютуқлар заёми облигациялари бўйича ўз мамлакатлари фуқароларига собиқ СССРнинг мажбуриятлари бўйича ворис бўлиш зарурлигини тасдиқлади. Шу заём облигацияларини сотиб олиш ёки айрибошлаш тартиби белгиланмоқда.

«АРГУМЕНТИ И ФАКТИ» ҳафталигидан.

• ЭЪЛОН •

Узбекистон республикаси маданият вазирлиги

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

М. Қориёқубов номидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли

УЗБЕК ДАВЛАТ КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИЯ БИРЛАШМАСИ

22 март соат 15.00 да ва 23 март соат 10.00 да

«АССАЛОМ НАВРЎЗ!»

• ЭЪЛОН •

Узбекистонда хизмат кўрсатган артист

Нуриддин ҲАЙДАРОВ

КОНЦЕРТИ

Узбекистон Республикаси Давлат «Шодлик» ашула ва рақс гуруҳининг хонанда ва рақҳосалари: Инобат ЖОНИЕВА, Гулмира ШИРИНОВА, Шоҳиста ПАРПИЕВА, Раъно ЗОКИРОВА, Ирода СОЙИПОВА иштирок этадилар.

Концерт дастурини Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-92-13, 33-67-73.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — 5224. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12